

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 2 (14.053)

Баҳоси эркин нарҳда

МУФТИЙ УСМОНХОН АЛИМОВГА "ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовни қабул қилиб, унинг 70 йиллик таваллуд айёми билан самимий табриқлади.

Давлатимиз раҳбари Усмонхон Алимовнинг миллий ва диний қадриятларини таъминлаш, асраб-авайлаш, буюк алломаларини, мутафаккирларининг бой илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда жамиятда диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятига алоҳида тўхтади.

Муфтий Усмонхон Алимов давлатимиз раҳбарига юксак муқофот учун ташақкур билдириб, сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча жабҳалари қатори диний-маърифий соҳада ҳам улкан ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёш авлодини тинчлик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва ҳамжihatлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва диний соҳа вакиллари фаол иштирок этиши ўз бurchи деб билиши қайд этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ "ТУРКИЙ ДУНЁ ТИКЛАНИШИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИ УЧУН" ХАЛҚАРО МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий дунё ёзувчилари, зиёлилари ва санъаткорлари жамғармаси (ТУРКСАВ) томонидан таъсис этилган "Туркий дунё тикланишига қўшган улкан ҳиссаси учун" халқаро мукофотиغا сазовор бўлди.

Бу ҳақда ТУРКСАВнинг Анкарада ўтказилган махсус матбуот анжуманида маълум қилинди. Мукофот соҳибининг исми-шарифи ТУРКСАВ ҳаёвати коллегиал қўмитаси томонидан Туркия ва хорижий давлатларнинг таниқли сиёсатчилари, иқтисодчилари, фан ва санъат намоёндаларининг 2019 йилдаги фаолиятини ўрганиш натижалари асосида эълон қилинди.

ТУРКСАВ раҳбари Яхё Энгин йиғилганлар номидан Ўзбекистон раҳбарига "унинг Ўзбекистон, Марказий Осиё, Туркия ва умуман Туркий дунё олдидаги бекиёс ва тарихий хизматларининг камтарона, бироқ самимий эътирофи муносабати билан чўқур ҳурмат ва самимий табриқлар" йўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИ САЙЛОВЛАР ХАЛҚАРИМIZ ТУРМУШИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

2019 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.



"Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шiori остида ўтган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрни учун бешта сиёсий партиянинг 744 номзоди кураш олиб борди.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Умид" жамғармаси битирувчиларининг "Янгиланаётган Ўзбекистон учун янги авлод кадрлари" мавзусида биринчи халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан ташкил этилган анжуманда АКШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Япония, Австралия, Жанубий Корея каби 18 давлатдан келган ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган 300 дан зиёд "Умид" жамғармаси битирувчиси иштирок этди.

Жамғармаси битирувчилари, бугунги кунда вазирликларда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Ушбу маърузалар асосида ташкил этилган шўба йиғилишларида мамлакатимиз тараққиёти учун долзарб масалалар Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган истеъдодли, малакали мутахассислар томонидан мунозара, савол-жавоб шаклида қизгин муҳокама қилинди.

2001 йиллари ижтимоий йўналишлар бўйича магистратура босқичида тахсил олдим, – дейди Ўзбекистоннинг Туркманистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акмалжон Қўчқоров. – Ўзбекистонга қайтганимдан кейин Ташки ишлар вазирлигида иш бошладим.



"THE TELEGRAPH" ТОШКЕНТНИ 2020 ЙИЛДА ТАШРИФ БУЮРИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН ШАҲАРЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТДИ

Буюк Британиянинг "The Telegraph" нашрида 2020 йилда ташриф буюрилиши шарт бўлган шаҳарлар рўйхати эълон қилинди. Ундан пойтахтимиз Тошкент шаҳри ҳам ўрин олган.

"Виза билан боғлиқ қийинчиликлар йиллар давомида Ўзбекистонга ташриф буюрувчи меҳмонларни чўчитиб келган, аммо сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар бу бетакрор мамлакатини кашф этишни жуда осонлаштирди... Пойтахт Тошкентда диққатга сазовор меъморий иншоотлар жуда кўп", дейилади "The Telegraph"даги мақолада.

XXI asr savosi. Barча манбалардан олганини сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан химоячилари кўни муносабати билан "Аскар оналарини шарафлаймиз!" номли маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

шаҳардаги бир қатор умумтаълим мактабларининг янгилашган спорт майдончалари очилиш маросими ҳам бўлиб ўтган. Ижтимоий лойиҳанинг ташаббускори – Ўзбекистон Триатлон Федерацияси.

Буткул қайтадан бунёд қилинган деҳқон бозори гиждувонликлар учун ўзига хос янги йил совғаси бўлди. Туман марказидаги янги бозор барча талабларга тўла жавоб беради.

ЖАҲОНДА

Хитойда пандани ўлдирган 10 киши қамоққа олинди. Ўтказилган рейд давомида хайвоннинг териси ва унинг 9,75 кг. гўштини топилган.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКСТОН ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу жараёнда нафақат етук мутахассислар тайёрлаш, балки дунёнинг етакчи олий ўқув юрталарида тахсил олиб, ҳозир чет элда ишлаётган, юрагига Ватанга садоқат туйғуси жўш урган инсонларни юртимизга қайтарши ҳам устувор вазифалардан бирига айланади. Шу маънода, мазкур халқаро конференциянинг ўтказилиши оламшумул воқеадир.

Анжуманда иштирок этиш учун дунёнинг турли давлатларидан келган юртдошларимиз Ўзбекистонда вазири ёки бошқа кўплаб юқори лавозимларда хизмат қилаётган "Умид" жамғармаси битирувчилари билан кўришди ва уларнинг аксариятида мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси, юрт равнақиға қаратилган ишларга ҳисса қўшиш иштиёқи ортди.

Конференциянинг иккинчи кунини Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги "Лайнер" оромгоҳида давом этди. Бешта шубба мажлисида мамлакатимизда инвестиция, адлия, инновация, таълим ва қишлоқ хўжалиғи соҳаларида ривожланишни таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Мунозара, муҳокама ва савол-жавоблар ягона – Ўзбекистонни янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, турмуш шaroитини яхшилашга ҳисса қўшишдек эзгу мақсадларга қаратилди.

100 нафарга яқин иштирокчи қатнашган инвестиция шуббаси йиғилишида "Эл-юрт умиди" жамғармаси директори вазифини бажарувчи Аҳмад Бекмуродов Ўзбекистон билим-ёшларнинг янгиғи, илғор фикр ва гoғларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини қайд этди. Шу боис, собиқ "Умид" жамғармаси битирувчиларининг тақлиф ва тавсияларига алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади.

Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов, халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, қишлоқ хўжалиғи вазири Жамшид Хўжаевлар раислиғидаги секция йиғилишлари ҳам расмиётчилардан ҳоли, қизгин кечди. Қатнашчилар орасида Буюк Британия, АҚШ, Германия каби ривожланган давлатларда тахсил олган, айни пайтда хорижда истиқомат қилаётган юртдошларимиз фаоллиғи сезилиб турди. Мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини туя бошлаган ватандoшларимиз томонидан аниқ тақлиф ва тавсиялар, жой келганда эътирозли фикрлар янгради.

Масалан, мамлакатимизда олий ўқув юрталари ўртасида рақобатни кучайтириш зарурлиғи, олий таълим тизимида интеграция жараёнини ривожлантириш, яъни ўқиш, малака ошириш ва касбий фаолиятни шакллантириш ўртасидаги уйғунликка эришиш, кадрларни тўғри йўналтириш, қишлоқ хўжалиғига замонавий технологияларни жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш каби долзарб масалалар ечимига қаратилган фикрлар кўпчилигида қизиқиш уйғотди.

Конференцияда қишлоқ хўжалиғини ривожлантириш бўйича ўз тақлифларини тақдим этдим, – дейди Россиянинг "Caravan Garden" компанияси бош менежери Жамшид Абдуллаев. – Компаниямиз Бирлашган Араб Амирлиқлариға қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари экспорт қилади. Энди бевосита Ўзбекистоннинг сархил мева-сабзавотларини тўғридан-тўғри экспорт қилишни режалаштиряпмиз. Шунингдек, экспорт жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш, соҳа бўйича ахборот алмашиш, уруғчилик, фермер хўжалиқлари учун янги наву кўчатлар олиб келиш, кластерларни ривожлантириш каби йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдик.

Конференция иштирокчилари томонидан яқдил таъкидлангандек, табиий, иқтисодий, тарихий ва маданий жиҳатдан юксак салоҳиятга эға Ўзбекистон инсон ресурсиға жуда бой. Айни салоҳият "Умид" жамғармаси битирувчиларига ҳам бевосита тааллуқли. Шу маънода, анжумандан кўзланган асосий мақсад – "Янгиланаётган Ўзбекистон учун янги авлод кадрлари" халқаро конференцияси билимли, навқирон, айни кунга тўлган авлод вакиллари ўртасида доимий алоқа ўрнатиш учун ўзига хос платформа яратишга эришилди.

Файрат ХОННАЗАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Тошкент шаҳридаги сайлов округларидан 2020 йил 5 январда бўлиб ўтган такрорий овоз бериш натижасида сайланган депутатлар

РЎЙХАТИ

№	Сайлов округининг номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили ва жойи	Депутатнинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг номи	Иш жойи, лавозими
1	148-Кўчча	Ҳамидуллаев Санжар Асатуллаевич	1976 йил, Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари
2	150-Шайхонтоҳур	Жумаев Нодир Хосиятович	1976 йил, Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Банк-молия академияси Банк ишчи кафедраси профессори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИ САЙЛОВЛАР ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 5 январида мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 25 нафардан 1 минг 730 сайлов участкасида такрорий овоз бериш ўтказилди. Ушбу сайлов участкаларида 3 миллион 147 минг 79 фуқаро Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатиға киритилган бўлиб, улардан 1 миллион 978 минг 48 нафари такрорий овоз беришда иштирок этди.

Сайловчиларнинг парламент сайловларида фаол иштирок этгани фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, янгиланаётган Ўзбекистонда янгидан шакллантирилаётган парламент сайловлариға бепарқ эмасликларини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли, одилона ва инсонпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлашларининг яна бир исботи бўлди.

Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашлариға сайлов ўтказувчи 95 сайлов округидаги 1 минг 104 сайлов участкасида ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлариға сайлов ўтказувчи 587 сайлов округидаги 1 минг 117 сайлов участкасида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди. Сайлов кодексининг 59-моддасига асосан такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчилар овозини бошқа номзодға нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фойда ҳисобға олинмайди.

Такрорий овоз бериш жараёнини депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан жами беш миңдан ортиқ кузатувчилар кузатиб борди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилган мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда ҳудудий сайлов комиссияларидан аккредитациядан ўтган маҳаллий журналистлар сайловлар жараёнини фаол ёритиб бордилар.

Такрорий овоз беришда иштирок этган 50 номзоднинг 15 нафарини Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари, 11 нафарини Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари, 10 нафарини Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вакиллари, 9 нафарини Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари ҳамда 5 нафарини Ўзбекистон Экологик партияси вакиллари, уларнинг 18 нафарини хотин-қизлар ташкил этди.

Сайловнинг яқуний натижалариға кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 53, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси 36, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси 24, Ўзбекистон Халқ демократик партияси 22, Ўзбекистон Экологик партияси 15 депутатлик ўрниға эға бўлди.

40 фойизгача энергия тежамкорлиғиға эришилади. Ҳозирги кунда бу борадаги стандартларни ишлаб чиқаяпмиз. Тошкент шаҳрида бўлинадиган улар А, В, С, D даражалари бўлиб, бунда энг паст кўрсаткич D тоифа ҳисобланади. Агар қурилган бино шу тоифа талабларига ҳам жавоб бера олмаса, унда сифат сертификатни берилмайди. Аҳамиятлиси, бу турдаги уй-жойларни қуриш нисбатан арзонға ҳам тушади. Чунки унинг қурилишида асосан миллий маҳсулотларимиздан фойдаланилади. Қандай натижаға эришилиши ҳақида гапирсам, биринчидан сифат яхшилана-

лонзор туманларида кўп қаватли кўплаб турар жойлар қурилади. Солиштирганимизда эса тақлиф этилаётган уйлар гиштиларида анча арзонға тушмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда тегишли янги стандартларни жорий этдик ва улар Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида амалиётға татбиқ этилди. Авваллари 18 қаватча бўлган биналарға фақат электр-энергия учун рухсат берилар эди. Бунда хавфсизлик нормалари асосий мезон ҳисобланарди. Ҳозир эса илм-фан тараққиёти ва халқаро тажрибани ўрганган ҳолда янги технологияларни ўзимизда ҳам жорий этишмоқдамиз. Бунда мутахассисларимизнинг хориж тажрибасини бориб мунтазам ўрганиб келишяётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Натижада янги меъёрлар ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда 18 қаватгача бўлган уй-жойлар учун газ уланishi рухсат берилди. Айтганимдек, бу турдаги уйларни қуриш нисбатан арзонға тушади. Тўғри, аввалиға замонавий техника ва услублардан фойдаланиш учун хорижий мутахассисларға эҳтиёж сезиладди. Кейинчилик эса етарлиқ малакаға эға бўлган ўзимизнинг қурувчиларимиз мана шундай қoлипли уйларнинг икки кунда бир қаватини қуриб битказишлари мумкин бўлади. Бу уйлар қoлипда бўлгани учун жуда ҳам силлиқ, текис чиқади ва табиийки кўнглини хира қилувчи гализликлар учрамайди. Кейин сувоқ ва шунға ўхшаш ички пардозлаш ишларига вақт ва хом ашё кам миқдорда талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, бу янгилик қурилишдаги хар томонлама қулай ва муқoбил услубдир.

Тақдиротда илғор инновацион технологияларни қўллаш орқали арзон нарҳдаги, энергия тежамкор уй-жойларни қуриш бўйича кенг маълумотлар берилди. Пудратчи ташкилотлар вакиллари эса келгуси фаолиятларида асқотадиган кўплаб тавсияларға эға бўлишди.

Нурилло НАСРИЕВ,
Ўза муҳбири

АҲОЛИ ТУРМУШИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

нан мазкур жиҳати кўрсатилади ва табиийки, бино қанчалик энергия тежамкор бўлса, сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Бир сўз билан айтганда, кейинчилик қурувчи тадбиркорларимиз уй сотаётганда нарҳини бинонинг ҳажмиға қараб эмас, балки унинг қанчалик замонавий қулайликларни ўзида мўжассам этгани ва энергия тежамкорлиқ дажарасиға қараб белгилайди. Бунда бинонинг ташқи қисмидаги қурилиш материаллариға ҳам эътибор қаратилади. Масалан, базалт, ўзимизда, яъни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Агар деворлар қурилишида айнан базалтдан фойдаланилса, бино хаттоки икки пишиқ гиштли уйдан ҳам кўра кўпроқ иссиқ ва совуққа чидамли бўлади. Шунингдек, бино ичидаги иситиш қозонлари ва шу каби техникаларнинг энергия сарфи кескин қисқаради. Агар қурилишда базалтдан ўз ўрнида ва тўғри фойдаланилса,

лонзор туманларида кўп қаватли кўплаб турар жойлар қурилади. Солиштирганимизда эса тақлиф этилаётган уйлар гиштиларида анча арзонға тушмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда тегишли янги стандартларни жорий этдик ва улар Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида амалиётға татбиқ этилди. Авваллари 18 қаватча бўлган биналарға фақат электр-энергия учун рухсат берилар эди. Бунда хавфсизлик нормалари асосий мезон ҳисобланарди. Ҳозир эса илм-фан тараққиёти ва халқаро тажрибани ўрганган ҳолда янги технологияларни ўзимизда ҳам жорий этишмоқдамиз. Бунда мутахассисларимизнинг хориж тажрибасини бориб мунтазам ўрганиб келишяётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Натижада янги меъёрлар ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда 18 қаватгача бўлган уй-жойлар учун газ уланishi рухсат берилди. Айтганимдек, бу турдаги уйларни қуриш нисбатан арзонға тушади. Тўғри, аввалиға замонавий техника ва услублардан фойдаланиш учун хорижий мутахассисларға эҳтиёж сезиладди. Кейинчилик эса етарлиқ малакаға эға бўлган ўзимизнинг қурувчиларимиз мана шундай қoлипли уйларнинг икки кунда бир қаватини қуриб битказишлари мумкин бўлади. Бу уйлар қoлипда бўлгани учун жуда ҳам силлиқ, текис чиқади ва табиийки кўнглини хира қилувчи гализликлар учрамайди. Кейин сувоқ ва шунға ўхшаш ички пардозлаш ишларига вақт ва хом ашё кам миқдорда талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, бу янгилик қурилишдаги хар томонлама қулай ва муқoбил услубдир.

Тақдиротда илғор инновацион технологияларни қўллаш орқали арзон нарҳдаги, энергия тежамкор уй-жойларни қуриш бўйича кенг маълумотлар берилди. Пудратчи ташкилотлар вакиллари эса келгуси фаолиятларида асқотадиган кўплаб тавсияларға эға бўлишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани Кенгаши ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИНИНГ 2020 ЙИЛ УЧУН МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар қисмида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги "2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 521/63-5-сонли қарори (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунға асосан 2020 йилда:
а) Қуйидаги солиқ турлари Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетига тўлиқлиғиға ўтказиб берилди:
жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи;
жисмоний шахслардан олиннадиган ер солиғи;
жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижараға беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияға асосан ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан тулнанадиган даромад солиғи;
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тулнанадиган солиқ мустасно.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:
яқуний истеъмолчиларға бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;
айланмадан солиқ;
айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундирилган йиғимлар;

мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль холатига кўра Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушиға мувофиқ.

в) Қуйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришға ўтказилди:
умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги ва Мактабгача таълим вазирилиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишли туманлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалға оширилди).

г) Қуйидаги харажатлар Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетдан молиялаштиришға ўтказилди:
фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;
давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказини сақлаш харажатлари.

3. Қарорнинг:
4-иловасига мувофиқ, Шайхонтоҳур тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиғи;

7-иловасига мувофиқ 2020 йил учун Шайхонтоҳур тумани бюджетига йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 1 503 407,0 минг сўм этиб белгиланганлиғи маълумот учун қабул қилинсин;

2020 йил учун Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджетни даромадлари прогнози 1-иловаға мувофиқ маъқуллансин.

4. 2020 йил учун Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларға ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2020 йил учун Шайхонтоҳур туман бюджетни захира жамғармаси ҳажми 1 622 990 минг сўм миқдориде белги-лансин ҳамда захира жамғармаси маблағларини туман бюджетиде кўзда тутилганға, кечиктириб бўлмайдиган харажат-лари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекарлик юзаға кел-ган вазиятларда амалға оширилиши зарур бўлган тадбирлар-ни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

6. Шайхонтоҳур туман ҳoқимлиғи, туман молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратға олсин;

хар чорак яқуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларда бюджет маблағларини тақсимловчилари қисмида молиявий ҳисоботларини ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларининг қам-мида 10 фойзини жамoатчилик фирми асосида шакллантири-ладиган тадбирларни молиялаштиришға йўналтирилиши таъ-минлансин ҳамда веб-сайтларға уларнинг натижаларини жой-лаштирсин.

7. Шайхонтоҳур туман ҳoқимлиғи, чораклар яқуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогнози кўрсаткичлари ҳoқимлиқнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фойздан ортиқ миқдорда бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳoқимлиғига харажатларни мақбул-лаштириш билан бирға киритилган мурожаатига асосан тар-тибға суловчи бюджетларро трансфертлар миқдорини оши-риш юзасидан тақдирлар киритилади.

8. Шайхонтоҳур туман ҳoқимлиғи:
Қонуннинг 20-моддаси биринчи қисмиға мувофиқ, туман бюджетининг қўшимча манбалари биринчи навбатда ижтимо-ий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустақ-камлашға йўналтирилиши таъминлансин.

Қонуннинг 24-моддасига асосан, тегишли равишда бюд-жет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағлари-дан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашға киритилишини таъминлансин.

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайти-риш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чoра-тадбирлар қуриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашиға доимий равишда маълумот киритиб борсин.

Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкала-ри, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлансин.

9. Шайхонтоҳур туман ҳoқимлиғи Матбуот котиби (С. Мур-тозоқулов):
мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ҳамда "Вечерний Таш-кент" газеталарида ёритилсин.

10. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ деп-утатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг маҳаллий бюд-жетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалға ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масала-лари бўйича доимий комиссияси ва Шайхонтоҳур туман ҳoқим-лиғи зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман
Кенгаши раиси ўринбосари
М.Адилов

2019 йил 17 декабрь

ПОЙТАХТИМИЗДА "ФАЙЗЛИ ТОШКЕНТ" АКЦИЯСИ БОШЛАНАДИ

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахтимизда "Файзли Тошкент" акциясини ташкил қилишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев шаҳримизнинг санитар ҳолати ва ободонлаштириш борасидаги ишларга эътиборни янада кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Пойтахтимизда обод манзиллар тобора кўпайиб бораётган бир пайтда, умуман қаровсиз ҳудудлар ҳам борлигини қайд этиб, "Файзли Тошкент" акциясини ўтказиш орқали икки ой муддатда шаҳар миқёсида ниҳоятда кенг қўламли тозалаш ва ободонлаштириш тадбирлари олиб борилишини маълум қилди.

Акцияга Ободонлаштириш бош бошқармасининг минг нафар ишчи-хизматчилари жалб этилиши режалаштирилган. Акция доирасида пойтахтимизнинг 30 минг гектардан ортиқ ҳудуди, мавзе ва даҳалардаги қабристонлар, анчадан буён қаровсиз қолган ички кўчалар, ариқлар, турли шох-шаббалар ҳамда бошқа турдаги чиқиндилардан тозаланган, даракларга шакл берилди. Тунги пайтда талаб даражасида ёритилмайдиган жойларга қўшимча ёритиш воситалари ўрнатилади. Пойтахтимиз том маънода саришта, обод ва файзли шаҳарга айланади.

Бу ишлар учун шаҳримиздаги тегишли бошқармалардан махсус техникалар жалб этилади.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Б.Раҳманкулов шаҳар ишчи гуруҳи раҳбари этиб тайинланди. Шунингдек, ҳар бир ҳудуд учун масъул сифатида белгиланган раҳбар иш сифати, самарадорлигини назорат қилиб боради.

Бу каби акцияларни мунтазам ўтказиб бориш ва Тошкентни энг гўзал, саришта ва обод шаҳарга айлантириш кўзда тутилган.

(Ўз мухбиримиз)

Маълумотларга кўра, жаҳонда ҳар йили тахминан 4 миллионга яқин киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Йилга 600 минг нафардан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар турли алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, эксплуатация қилиш мақсадида сотиб юборилмоқда. Мазкур рақамларнинг ўзи ушбу трансмиллий жиноятга қарши курашиш нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

МИЛЛИЙ КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИНИ САРҲИСОБ ҚИЛДИ

Мамлакатимизда ҳам одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация қилиш, шундай жиноят қурбонига айланган фуқароларга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, одам савдосига алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шунингдек, бундай жиноятларни содир этишга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар қўриломоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги "Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди.

Миллий комиссия одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича иш олиб бормоқда.

Олий Мажлис Сенатига Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлис кун тартиби доирасида Миллий комиссия томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди, унинг фаолиятига оид истиқболдаги устувор йўналишлар ва вазифалар белгиланди.

Қайд этилишича, ўтган қисқа вақт мобайнида Миллий комиссия томонидан аниқ мақсадга қaratилган ишлар олиб борилади. Миллий комиссия ва кичик комиссиялар фаолиятини тартибга соладиган низомилар тасдиқланди, жойларда ҳудудий комиссиялар тузилди, уларнинг ишлаши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди.

Миллий комиссия ва унинг кичик комиссиялари, ҳудудий комиссиялар тизими ишлашини йўлга қўйишга, давлат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг бу йўналишдаги ҳамкорлигини кучайтиришга қaratилган чоралар қўрилди. Жумладан, 2019-2020 йилларда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича биринчи навбатда амалга оширилган чора-тадбирлар режаси (Йўл харитаси) тасдиқланди.

Халқро меҳнат ташкилоти, АҚШ давлат департаменти, "Cotton Campaign" ва "Human Rights Watch" халқро ташкилотлари тавсияларини инобатга олган ҳолда одам савдоси ва мажбурий меҳнат соҳасида Ўзбекистоннинг позициясини яхшилашга қaratилган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий қўлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар олиб борилади. Жумладан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйганлик учун жавобгарлигини кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилиб, 2019 йил 14 декабрда Сенат томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, халқро амалиётни ҳисобга олган ҳолда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мажлис доирасида ушбу қонун лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

Мажлисида қайд этилганидек, Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қелишиш борасидаги ишларга етарли эътибор қaratилмаган. Миллий комиссиянинг 2019 йил 9 октябрдаги 2-сонли баёни билан тасдиқланган "2019-2020 йилларда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси" ҳамда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикасининг аҳолини яхшилаш, шунингдек, бу борада қўрилаётган чораларнинг янада самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ижроси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу билан бирга одам савдосидан жабр кўрганларни реабилитация марказига жойлаштириш ишларида ҳам сустаклиққа йўл қўйилмоқда.

Муҳокамада Миллий комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Ички ишлар вазирлигига қонун лойиҳасини такомиллаштириш вазифаси юклатилди. Шунингдек, ҳорижда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури ижроси муҳокама этилди.

Одам савдосига қарши курашиш ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссияларнинг ҳисоб-хисоблари эшитилди. Ички ишлар вазирлигининг ахборотида кўра, 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ 84 жиноят аниқланган. Жиноятларнинг 88 фоизи аёллар томонидан содир этилган аниқланган ҳол. Бу жиноятлардан 125 нафар фуқаро жабр кўрган. 211 нафар одам савдоси жабрдиёдлари реабилитация марказларига жойлаштирилган. Лекин бу йўналишда ҳали муаммолар етарли эканлиги қайд этилди. Хусусан, реабилитация марказларида беморлар ҳамда одам савдоси жабрдиёдлари профилактикаси учун етарли шароитлар йўқ. Уларни дори-дармон воситалари билан таъминлаш учун маблағ етарли эмас. Ушбу муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича Соғлиқни сақлаш ҳамда Молия вазирликларида топшириқ берилди.

Миллий комиссия фаолиятида очиқлик ва ошкоралик принциплари риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор қaratилди. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлардан кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқро ҳамжамиятини хабардор қилиш мақсадида тасдиқланган медиа-режа тадбирлари тизими равишда амалга оширилаётгани таъкидланди. Шунингдек, ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолият тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг ҳориждаги вакولاتоналари томонидан халқро ҳамжамиятни хабардор қилиш ишлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Миллий комиссиянинг расмий веб-сайтини ишга тушириш зарурлигига эътибор қaratилди.

(ЎЗА)

Президентимиз таъкидлаганидек, оилага эътибор – ўзлимизга эътибордир. Оилани сақлаб қолмасак ўзлимизни йўқотамиз.

Дарҳақиқат, оила – ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия кўргонидир.

Шу боис, оила халқимизда қадим замонлардан муқаддас саналган ва шундай бўлиб қолади. Зеро, халқнинг, миллатнинг келажаги айнан оила билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир боланинг келажақда ким ва қандай инсон бўлиб камол топишида оила муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда мамлакатимизда оилани ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, уни миллий қадриятлар ўзининг теран ифодасини топган ҳақиқий тарбия ўчоғига айлантиришга қaratилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилади.

Бу жараёнда судларда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўриш ҳамда аҳоли билан очиқ мулоқотларда оилани сақлаб қолишга эътибор қaratилмоқда.

Бир-биридан айро яшаётган кўпбалб эр-хотинлар, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар натижасида ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр бўлмасдан туриб оила қуриши маълум бўлди. Шунингдек, спиртли ичимлик, наркотик моддалар истеъмол қилиш, жиноят содир этиш, эр-хотиннинг узоқ вақт бир-биридан алоҳида яшashi, оилага бошқаларнинг аралашуви, эр ва хотиннинг бир-бирига хиёнатни ажралишларга сабаб бўлаётгани аниқланди.

Юқорида қайд этилган оилалар барбод бўлишига таъсир этяётган ҳолатларнинг энг кўпи – бу ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслигидир.

Ўғлини уйлантириш ёки қизини турмушга беришда аксарият ота-оналар кўпроқ уларнинг ёшини ҳисобга олиб, "бошини иккита қилиш" ҳақида кўпроқ ўйлайдилар. Лекин улар оила қуришга тайёри, эрининг бурчи, хотиннинг вазифаси нимадан иборатлигини билади, деган саволлар эса кўп ҳолларда ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Ёш кувё ёки келин кимдан сабоқ олиши керак, уларни оилавий ҳаётга ким тайёрлайди?

Албатта, биринчи ўринда ўғлини уйлантириш ниятидаги ота, қизини турмушга узатаётган она ушбу масалага беъэтибор бўлмаслиги зарур. Ўғил ёки қизини, аввало, оила қуришга тайёрлаш, тегишли насихатларини бериб бориш ҳам қарз, ҳам фарз.

Бу борада, бобоқалонимиз Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Муқашафат-ул қулуб" ("Қалблар кашфиёти") асарига "Хотиннинг эридаги ҳаққи", "Эрининг хотинидаги ҳаққи" тўғрисида муфассал тушунти-

риш берилган бўлиб, уларни ўқиш ва ўқиб олиш ҳар қандай оила учун бир умрлик дастуруламал бўлади.

Жумладан, асарда шундай сўзлар бор: "Қизим, шу кунгача яшаган уянгдан чиқиб, нотаниш бир уяга, билмаган-танимаган, ҳеч қачон ҳамсуҳбат бўлмаган бир одам билан бирга яшашга кетясан. Сен у одамга дўст бўл, ер (тупроқ) бўл, у одам сенга осмон бўлсин, сени ҳимоясига олсин. Сен унга тўшак бўл, у сенга суянчиқ (устун) бўлсин. Сен унга чўри бўл, у сенга султон бўлсин. Уни ҳеч қачон хафа қилмаки, у ҳам сени хафа қилмагай. Ундан узоқлашмаки, сени унутмасин..."

Шу ўринда, қайд этиш жоизки, ёшларни оила қуришга тайёрлаш масаласи давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2

Бунда асл муаммо масъулиятсизликда бўлиб, никоҳдаги эр-хотиннинг бири иккинчисига ён босмаслиги, ўз тақдирига ҳамда фарзандлари тақдирига масъулиятсизлик билан бефарқ қарashi, фақат ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлашдадир.

Амалдаги Оила кодексига эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она сифатида уларнинг вояга етмаган фарзандлари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний мустаҳкамланган. Ота-она фарзандини дунёга келтирганидан кейин унга гамаҳўрлик қилиш, уни қомил инсон сифатида вояга етказишга масъулдирлар.

Ёшларни оила қуришга тайёрлашда ушбу масалага эътибор қaratиш, уларнинг ўзаро, бўлажак фарзандлари ол-

ОИЛАНИ САҚЛАБ ҚОЛМАСАК ЎЗЛИГИМИЗНИ ЙЎҚОТАМИЗ

февралдаги "Хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида назарда тутилгани айни мuddао бўлди. Фармон билан амалдаги оила қонунчилиги ҳам такомиллаштирилмоқда.

Мустаҳкам оила барпо этишдаги муҳим масалалардан бири – кувё ва келиннинг турмуш қуришидан олдин бир-бирининг феъл-атвори, фикр доираси, дунёқарашини кўпроқ ўрганишга имкон яратишдир. Бунинг учун, амалдаги Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш хоҳишида бўлганлар учун белгиланган 1 ойлик мuddат ўрнига қамда ариза берилганидан кейин 3 ойлик мuddат берилиши мақсадга мувофиқ. Фикримизча, бу оила қуриш ниятида бўлган ёшларнинг бир-бирини ўрганиб, оила қуриш-қурмаслик масаласида аниқ ва тўғри қарорга қелишига, яъни мустаҳкам оила қурилишига замин яратади.

Суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, жуда кўп ҳолларда ажралиш мақсадида ариза берган тараф – эр ёки хотин ажралишга сабаб сифатида характерлари тўғри келмаётганини кўрсатади. Ҳолбуки, эркак ва хотиннинг характерлари турлича бўлиб, бир-бирига тўғри келмайди ва бу илмий жиҳатдан асосланган ҳолатдир.

нинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланган келишуви никоҳ шартномаси, деб ҳисобланиши белгиланган.

Эр-хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргалликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек, никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян мuddат билан қилиниши ёки муайян шарт-шароитнинг юзгаги қилиниши ёки қилинмаслигига боғлиқ қилиб қўйиш мумкин (Оила кодексининг 31-моддаси).

Афсуски, айни пайтда никоҳ шартномаси тузиш ҳолатлари жуда кам бўлиб, "никоҳ шартномаси тузиш бизнинг менталитетимизга, шариат қоидаларига тўғри келмайди" деган хато тушунча ҳам мавжуд.

Аслида шариат қоидаларига кўра, аёл кишини никоҳига олган эркак аёлга "махр" бериши шарт. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари қайд этганидек, аҳди никоҳ бўлиши билан махр бериш вожиб, берилганда ҳам кувё томонидан чин қалбдан чиқариб берилиши талаб этилади ва махр келиннинг шахсий мулкки ҳисобланади.

Куръонини қарим оятлари ва шариат қоидаларига кўра, уйланганда берилган махрни ажрасаётганда қайтариб олиш мумкин эмас.

Бу билан никоҳ махри ва никоҳ шартномаси бир нарсаси, дейиш фикридан йирокми, албатта. Бирок мақсад "никоҳ шартномаси тузиш бизга тўғри келмайди" деган тушунчанинг нотўғри эканини далилладан иборат.

Никоҳ шартномасини тузишнинг зарурати эр-хотиннинг мулкки ҳуқуқлари ҳимоясини қамолатлаш билан боғлиқ. Амалбаддан кўринишича, никоҳ шартномаси қанчалик мукамал тузилса, эр-хотин ўртасида мулкки баҳс-мунозара, низолар кам содир бўлади. Турли саволлар, муаммоларнинг ечими тез ва осон ҳал этилади. Энг муҳими, никоҳ шартномаси тузиш орқали соғлом ва мустаҳкам оила барпо этилади.

Оилавий муносабатлар қанчалик тўғри йўлга қўйилса, унинг пойдевори ҳам шунчалик мустаҳкам бўлиши, ўз навбатида, жамиятнинг ҳам мустаҳкамланишига таъсир кўрсатади.

Ҳолмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раисининг ўринбосари

Халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгаши ҚАРОРИ

2020 ЙИЛ УЧУН ЮНУСОБОД ТУМАНИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-589-сонли Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгаши маҳаллий бюджетларини бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича вакولاتлари кенгаштирилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан, 2020 йил учун Юнусобод туманининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги "2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 521/63-5-сонли қарори (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари Юнусобод тумани маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади: жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи; жисмоний шахслардан олиннадиган ер солиғи; жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижарага беришдан олинган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади: яқуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилгиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи; айланмадан солиқ;

айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисини қўлашга мувофиқ.

в) Қуйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:

умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўрттинчи гуруҳ харажатлари тегишли туманлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади).

г) Қуйидаги харажатлар Юнусобод тумани маҳаллий бюджетидан молиялаштиришга ўтказилди:

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари; давлат санитария-эпидемиология назорати тумани маҳаллий қазини сақлаш харажатлари.

3. Қарорнинг:

4-иловасига мувофиқ, Юнусобод тумани маҳаллий бюджетига умумдават солиқларидан ажратмалар мейёрлари тасдиқланганлиги;

7-иловасига мувофиқ, 2020 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетига йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори **1 944 165,0 минг сўм** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2020 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетига даромадлари прогнози **1-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

5. 2020 йил учун Юнусобод тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун Юнусобод тумани бюджетига захира жағғармаси ҳажми **2 055 749,0 минг сўм** миқдоридан белгиланган ҳамда захира жағғармаси маблағларини тумани бюджетига кўзда тутилган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзгаги келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Юнусобод тумани ҳокимлиги, тумани молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари:

тумани бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратта олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга бюджет маблағларини тақсимловчилари кесимида молиявий ҳисоботларини ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштириш; тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча маблағларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши таъминлансин ҳамда веб-сайтларга уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

8. Юнусобод тумани ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг **1-иловасида** келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимлигининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмас ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тузиш эҳтимоли бўлмас, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган муражаатга асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан тақлифлар киритади.

9. Юнусобод тумани ҳокимлиги:

Қонуннинг 24-моддасига асосан, тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминлансин.

Бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тумани Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб босин.

Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлансин.

10. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгашининг маҳаллий бюджетини шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Юнусобод тумани ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгаши сессияси раиси У.Мусаев

2019 йил 18 декабрь

Спорт

**ТОШКЕНТДА
"AQUATHLON – 2019"
ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛДИ**

Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатидида Ўзбекистон триатлон федерацияси томонидан "AQUATHLON – 2019" мусобақаси ўтказилди.

Мазкур турнирда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 200 га яқин спортчилар 800 метрга сузиш ва 1,500 метрга югуриш бўйича баҳслашди.

Мусобақа тўрт ёш тоифасида ўтказилди. Қиз-гин тарзда кечган мусобақа олдидан турган янги мавсум учун терма жамоага янги номзод спортчиларни саралаб олиш ва уларнинг имкониятларини кўздан кечириш мақсадида ташкил этилди.

Натижаларга кўра 11-14 ёшлилар ўртасида Шоҳжаҳон Ёқубов ва Нилуфар Толибжонова голиб бўлди. 15-17 ёшли спортчилар орасида Камрон Хўжаев ҳамда Латофат Содиқова муваффақият қозонишди. 18-25 ёш тоифасида Александр Рашетников ва Екатерина Рязанова, 26-32 ёшда фақатгина Шоҳрух Юнусов энг юқори погонани эгаллади.

Нодирбек ЮСУФОВ

**БЕШ ТАШАББУС БАДИЙ АКАДЕМИЯ
ТИЗИМИДА**

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда жорий йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси бўйича имплементация стратегиясини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси" ижроси ва мазкур режа ижросига кўра Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси томонидан йўлга қўйилган "Расом устaxonасида меҳмонда" лойиҳаси ҳамда "Ўзбекистон манзаралари" акцияси ҳақида маълумотлар берилди.

"Расом устaxonасида меҳмонда" лойиҳаси талабига кўра мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълим муассасалари тарбияланувчи ва ўқувчи-талабалари учун ижодкорларнинг шахсий устaxonаларида ижодий учрашув ҳамда маҳорат дарслари ташкил этилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа доирасида ўтказилаётган ижодий учрашувлар айнан расомлар устaxonаларида ташкил этилади. Сабаби, ёшларга ҳақиқий ижодий муҳитни кўрсатиш орқалигина уларнинг тасвирий

санъат оламини англашлари учун янада кенгрок имконият яратишга, ушбу касбга бўлган чин маънодаги муҳаббатдан уйғотишга эришиш мумкин.

Лойиҳа доирасида мамлакатимиз ҳудудларидаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва турли соҳадаги олий таълим муассасалари талабалари учун Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасига аъзо таниқли устоз ижодкорлар, академик расомлар иштирокида маҳорат дарслари, ижодий учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди. Жумладан, жорий йилнинг октябр ойида лойиҳа иштирокчилари 280 нафарни, ноябрь ойида 493 нафарни ва декабрь ойига келиб эса 520 нафарни ташкил этди.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад асосан номутахассис ёшлар аудиториясини санъат турларига жалб қилиш, хусусан, тасвирий ва амалий санъатга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларда эстетик дидни шакллантириш, касбга йўналтириш, истеъдодини юзага чиқариш ва

қўллаб-қувватлашдир.

Бешта муҳим ташаббус доирасида ўтказиб келинаётган яна бир лойиҳа бу "Ўзбекистон манзаралари" акциясидир. Акцияни ўтказишдан кўзланган мақсад амалий санъат усталари ва расомлар иштирокида юртимизнинг манзарали жойларида пленэрлар ташкил қилиб, табиат манзараларини тасвирлаш ва яратилган асарларни туризмни ривожлантириш бўйича нашр этиладиган альбом учун тавсия этишдир.

Акция давомида яратилган асарлардан ташкил толган кўргазма 2020 йилнинг январь ойида ўтказилиши режалаштирилган. Кўргазмага тақдим этилган асарлар орасидан энг саралари танлаб олинади ва альбом учун тавсия этилади.

Мазкур акция бўйича октябр ойида 2, ноябрь ойида 5, декабрь ойида 10 та вилоятда пленэрлар ташкил этилиб, бетакрор она Ватанимизнинг сўлим гўшалари расомларимиз асарларида ўз ифодасини топди.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири

**14 январь — Ватан
ҳимоячилари куни**

**ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР
МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ**

Мудофаа вазирлигида юқори натижалари билан мамлакатимиз спортини дунёга танитишда, Қуролли Кучлар нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун Мудофаа вазирлиги спорт клубининг бир гуруҳ спортчилари ва мураббийлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини номидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тантанавда Мудофаа вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси раҳбарияти иштирок этди.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда МВСК фаоллари эришган ютуқлар ҳар қанча эътирофга арзигулик. Жумладан, навбатдаги "лейтенант" ҳарбий унвони топширилган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бектемир Мелиқўзиёв жорий йилда АҚШда профессионаллар ўртасида ташкил қилинган учта жаңг голиби бўлди. Худди шундай навбатдаги "лейтенант" ҳарбий унвони топширилган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Миразизбек Мирзахалилов Хитой Халқ республикасида ҳамда бошқа бир қатор халқаро нуфузли чемпионатларда голибликка эришди.

Қуролли Кучлар хизматчилари Никита Рафалович ва Адхамжон Эргашев бир неча халқаро турнирлар голиби, жаҳон чемпионати совриндори бўлиш баробарида 2020 йили Японияда ўтказилган Олимпия йилларида иштирок этиш учун лицензияни қўлга киритган. МВСК фаоли Нигора Турсунқуллова эса жорий йилнинг ўзида "Катта дубулга" таснифидидаги халқаро турнирнинг бронза медали совриндори, "Туркиш опен" ҳамда "Россия опен" халқаро турнирларининг голиблигига сазовор бўлган.

Майор Анвар Муҳимов жиу-житсу бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон тарихида илк жаҳон чемпиони бўлди. Шунингдек, ҳарбий спортчиларнинг кўпчилиги Ухань шаҳрида бўлиб ўтган VII умумжаҳон ҳарбий ўйинлари голиблари сафидан ўрин олган. 2019 йил давомида республика ва халқаро миқёсдаги чемпионат ва мусобақаларда МВСК аъзолари жами 800 та медалини қўлга киритган, шундан 265 таси халқаро турнирларда эришган галабалар натижасидир.

Нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда ҳам тан олинган спортчилар бир дастурхон атрофида юқоридидаги воқеаларнинг гувоҳи бўлиб ўтирган пойтахтимиздаги 102-маҳсус мактаб интернат ўқувчиларига ўзларининг совғаларини топширдилар. Янги йил арафасида берилган совғалар болажонларнинг кўнглини хушнуд этди. Айниқса, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан иборат китоблар жамланмаси уларни янада шодлантирди. Тантаналардан сўнг ўқувчилар учун Мудофаа вазирлиги спорт клубида байрам тадбири ташкил қилинди.

Қорбобо ва қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари орасидаги маҳсус мактабда тарбияланаётган ўйинчиларнинг қувончини кўриб, вужудингизга титроқли севинач таралади. Ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, ўзинг учун бутун умрингнинг фидо қилсанг арзийди. Барча ўқувчилар номидан тадбир ташкилотчиларига ташаккурлар айтилди!

Азиз НОРҚИЛОВ

"СУВСОЗ" ДУК:

**ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР
САМАРАСИ**

"СУВСОЗ" давлат унитар корхонаси салмоқли ютуқлар билан якунига етган йилда бир қанча хайрли тадбирлар ўтказди. Чунончи, корхона директорининг ташаббуси билан "Сувсоз" тизимидаги иншоотлар иши билан яқиндан таништириш мақсадида йил ўрталарида "Қодирия" сув иншоотида шахримиз маҳаллаларидан бирининг оқсоқоллари учун экскурс-таништирув учрашуви ўтказилган эди.

Кейин худди шундай учрашув "Салар" аэрация станциясида ўтказилиб, унда ҳам маҳаллий аҳоли вакиллари, оқсоқол отахонлар ва онахонларга таништирув экскурсияси ташкил этилди. Ҳар иккала учрашув пайтидаги меҳмонларимизнинг ҳайратлари ва таажубларини кўриб, бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб боришимиз кераклиги ва бу ҳам "СУВСОЗ" ДУК фаолиятининг бир йўналиши бўлиб қолиши кераклигига ишонч ҳосил қилган эдик. Чунки ОАВда қанча гапирилмасин, одамлар ўз кўзлари билан кўрмагунларича тоза ичимлик сувининг қандай тайёрланиши, оқава сувларга қандай қилиб иккинчи ҳаёт бахш этилаётганини хусусида мутлақо тасаввурга эга эмас эканликларининг гувоҳи бўлди.

Шу мақсадда йил сўнгида яна бир учрашув ўтказилиб, у "Бўзсув" аэрация станциясида бўлиб ўтди. Унга шу ҳудуд атрофида жойлашган туташ маҳаллалар оқсоқоллари таклиф қилиниб, улар станцияда оқава сувларни тозалаш, тиндириш, дезинфекция қилиш, "жонли" сув даражасига олиб келиш жараёнлари билан яқиндан таништирилди. "Бешкўрғон", "Шойим кўприк", "Токзор", "Намунали", "Найман", "Фишчилар" маҳаллаларидан ташриф буюрган кексалар барча жараёнларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Бунда улар биринчи босқич "Панжарали" тозалаш, иккинчи босқичда "Аэротенка" жараёнидан ўтказиб тозалаш, учинчи босқичда "Тиндириш" ҳавзаларидан ўтказиб, ва ниҳоят, ичимлик кранларидан тушадиган зилол сувлар даражасига олиб келинган сувни тўртинчи "Хлорация" жараёнидан ўтказиб, мутлақо зарарсизлантириб, "Бўзсув" каналига узатишгача бўлган ҳар битта босқични кўриб, кузатиш имконига эга бўлдилар. "Оқава сув" дегани яна тоза сувга айлантирилишига ишонч ҳосил қилдилар. Аэрация станцияси ходимлари ишидан қониқдилар. Бир қатор отахонлар бошларини чайқаш ила ўз ҳайратларини кўрсатишган, баъзилари "Қойил", "Буни қаранг-а!" дея муносабат билдиришган бўлса, Устемир ота Турлиев "Ишларингизни аъло деса ҳам бўлади. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг намунали эканига ҳам ишонамиз. Сизларга ҳеч бир даъвоимиз йўқ. Фақат, тозаланган сув қуйилаётган каналнинг тўлиқ қувват билан ишлашига ўз ёрдамларининг аямасаларининг, сув каскади ГЭС тўғонларини тозалаб туришларига таъсир ўтказсанлар деймиз, холос!" деб миннатдор бўлдилар.

Ўз навбатида "Бўзсув" аэрация станцияси мутасаддилари "ГЭС ходимлари билан бу тўғрида гаплашганмиз, таъмирлаш ишлари тугатилиб, март ойида ишга тушириб юборишга ваъда қилишган" деган маълумотни беришди.

Бу тадбирда "Шаҳар оқава сув тармоқлари" бошқармаси бошлиғи М.Аббасханов, "Бўзсув" аэрация станцияси раҳбари К.Холимитов, бош муҳандис А.Агабаев, бош механик Р.Ҳақимбековлар иштирок этиб, одамларни қизиқтирган саволларга факт ва рақамларга асосланиб, тўлақонли жавоблар берди.

Ҳамма учун — ҳам аҳоли вакиллари, ҳам станция ходимлари ва шунингдек, журналистлар учун ҳам фойдали бўлган бу каби учрашувларни янги йилда муайян бир жадвал асосида ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ,
"СУВСОЗ" ДУК Матбуот хизмати раҳбари



БАХТИЁР ДАМЛАР БАРДАВОМ БЎЛСИН

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Учтепа туман ташкилоти томонидан Янги йил шодийнасига бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбир "Меҳриғиё" тиббий-ижтимоий марказ қарамоғидаги ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган имконияти чекланган ногирон болалар ва яққа ёлғиз қариялар учун Учтепа туман ҳокимлиги, туман Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Учтепа туман ташкилоти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Меҳриғиё" тиббий-ижтимоий марказга 14 ёшгача бўлган ногирон болалар ҳамда яққа-ёлғиз кексалар ҳисобга олинган. Марказнинг асосий мақсади тассаруфдагиларни руҳан қўллаб-қувватлаш, ҳаётга бўлган қизиқишини янада оши-

риш, касб-хунарга ўргатишдан иборат.

Тадбирни ўтказишдан мақсад болаларни байрам билан табриклаш, мурувват кўрсатиб, қўллаб-қувватлашга қаратилди. Обод юртимизнинг болажонлари бир-бирдан ўтказиб, қўшиқлар куйлашди, шеърлар айтишди. Шўх-шодон тароналар жарангиди рақсга тушаётган болажонларнинг кексиз қувончини сўз билан ифода қилмади. Тадбирда совғалар улашилди. Намойиш этилган байрам дастури дастурхон атрофида йиғилганларга манзур бўлди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

Козим Ўлмасов олган сурат

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани ТСРЎИ томонидан 2014 йил 10 апрелда реестр рақами 07-000319 рўйхатдан ўтган "Тошкент шаҳар 4-стоматология поликлиникаси" давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 25.12.2019 йилдаги 286-сонли буйруғига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида Яшнобод тумани, Фарғона йўли 507-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент банк касб-хунара коллежи томонидан 2004 йилда Абдуллаев Сарвар Тўйчиевич номига берилган К № 057940 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Газетанинг 2019 йил 29 ноябрдаги 187 (14.034) сониди берилган реклама эълонида "MAXIMUM CAPITAL CREDIT" МЧЖ жумласи "PLATINUM CREDIT PLUS" МЧЖ деб ўқилсин.

ТУЗАТИШ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети академик лицейи томонидан 15.06.2018 йилда Фахриддинова Муниса Фахриддин қизи номига берилган L № 349683 рақамли (2009-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

К.Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти томонидан 2005 йилда Чориев Шерзод Нуриллаевич номига берилган В № 233227 рақамли (667-рўйхат рақамли) бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон миллий университети томонидан 2006 йилда Махаматхонова Нодира Ахматовна номига берилган В № 277148 рақамли бакалавр дипломи ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Оқшом Манзиллимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1166 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г. 146

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 17.10

1 2 3 4 5